



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 9 август, № 154 (5321)

Сешанба

## БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!



Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбири Малайзиянинг юртимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Абдул Азиз бин ХАРУН билан суҳбатлашди.

Абдул Азиз бин ХАРУН:

### ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАРГА КўПЛАБ ДАВЛАТЛАР ХАВАС БИЛАН ҚАРАЙДИ

— Элчи жаноблари, халқимиз энг улуг, энг азиз айём — мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Ўзбекистонда истиқлол йилларида амалга оширилган ўзгаришлар ва ислохотлар бераётган самаралар ҳақида нима дея оласиз?

Шунингдек, ўзбекистонлик спортчилар Олимпия ва Осиё ўйинларида ҳам муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

#### Биз ва жаҳон

— Ўтган йилги йил ичидан Ўзбекистон юксак иқтисодий кўрсаткичларни кўлга киритди, дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан амалий ҳамкорликни мустақамлади. Ўзбекистон раҳбарининг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати натижасида юртингиз Марказий Осиёнинг йирик иқтисодий, сиёсий ва маданий марказига айланди. Ўзбекистон кўлга киритаётган ютуқларга кўплаб давлатлар хавас билан қарайди.

— Малайзия юртингиз билан ҳамкорлик жадал ривожланаётган. Юртингизда «Навойи» эркин индустриал-иқтисодий зонасининг барпо этилгани ва унда юқори технологик кўшма лойиҳаларнинг амалга оширилаётгани малайзиялик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Ўзбекистон билан Малайзия ўртасида сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожига ҳақида нималар дея оласиз?

— Мамлакатларимиз ўртасида ўхшаш жиҳатлар кўп. Халқларимизни ўхшаш маданият, урф-одатлар, кадрятлар боғлаб туради. Ўзбекистон ҳам, Малайзия ҳам кўп миллатли давлат.

(Давоми 3-бетда).

### Август — ҳосилга ҳосил қўшиш зарбдор ойи

## ОМИЛКОРЛИК БАРАКАСИ

Кўп йиллик тажрибага қараганда, гўза парваришидаги асосий агротехника тадбирлари августга тўғри келиб, ушбу ой ҳосилга ҳосил қўшишда муҳим палла ҳисобланади. Шу боис ҳам деҳқонларимиз бу даврда далага танда кўйишда, десак, муболага бўлмайди.

Маълумки, бу йилги нисбатан қуруқ об-ҳаво шароитида ниҳолларни беҳато ундириб олиш осон кечмади. Кузда баракали ҳосил кўтармоқчи бўлган асл деҳқон энди айна асадда гўзани култивация қилиши, сувга қондириши, қисқача айтганда «ясатиши» зарур. Ҳозир белга уриб қолган

гўзанинг кўкига алданиб қолмаслиги керак. Эртаю кеч гўза оралаб, унинг ҳолатини билиш, талабига қулоқ солиш фойдадан холи эмас. Агротехника тадбирлари ўз вақтида, сифатли бажарилишига, мўлжалдаги ҳосил тўпланади-да.

(Давоми 3-бетда).



«Бунёдкор — 2011»

Бугун ўтаётган ҳар бир кун, ҳар бир соат барчамизни Истиқлолимизнинг қутлуг йигирма йиллик шодиданларига тобора яқинлаштирмоқда. Қалбларимизда чексиз гурур ва ифтихор уйғотадиган айна дамларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида кўркам меъморий иншоотлар, замонавий кўприклар, кенг ва равлан йўллар қад ростлапти. Ушбу ўзгариш ва янгиланишлар юртимиз кўркам кўршаётганлигидан қанчалик қувонсак, ана шу хайрли ишларда мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидан, мазкур бунёдкорлик жараёнида бевосита қатнашаётганидан шунчалик хурсанд бўлаемиз.

## ҒАЙРАТ ЗАВҚИ, МЕҲНАТ ШУКУҲИ

Мана, беш йилдирки, «Қамолот ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши томонидан ташкил қилинган «Бунёдкор» ёшларнинг ёнги меҳнат ҳаракати аъзолари мамлакатимизда барпо этилаётган иншоотлар қурилишида бинокорларга яқиндан кўмак бермоқда. Хусусан, жорий йилда Наманган вилоятида 600 нафардан зиёд ёшлар юрт раванга, эл фаровонлиги

йўлидаги ана шу юмушга бош қўшдилар. Меҳнат ҳаракатида, асосан, вилоят марказида жойлашган олий ўқув юртли талабалари, шунингдек, қатор туманлардаги касб-хунар коллежларининг ўқувчилари жамулжам бўлишган. Жумладан, Наманган муҳандислик-педагогика институтининг 25 нафар талабаси «Паҳлавон» сузиш ҳавзаси қурили-

шига, мазкур олий ўқув юртининг яна 15 нафар талабаси эса Учқўрғон шахрида 270 ўринли санъат мактаби биносини тиклаш ишларига жалб этилган. Таътил кунларида жисмоний меҳнат билан шуғулланиб, замонавий сузиш ҳавзаси қурилишида бинокорлар билан бир сафда меҳнат қилаётганимдан бениҳоя гурурланаман, — дейди институт-

нинг 2-босқич талабаси Шерали Эгамов. — Оқшом маҳали ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларда ҳам қатнашиб, ушбу маросимларнинг мароқли ўтишига ўз ҳиссамни қўшишга интиляяман. «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатида Наманган давлат университетига талабалари вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг лаборатори-

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгила берилган 2011 йилда иқтисодий ислохот қилиш жараёнини чуқурлаштириш ва мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар ҳамда энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишга доир қўрилган чора-тадбирлар, шунингдек, 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажаришни давом эттириш натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид асосий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатлари сақлаб қолинди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2011 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

### I. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар

2011 йилнинг биринчи ярмида таркибий туб ўзгаришларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилash жараёнини давом эттириш янги ички маҳсулотни ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 8 фоизга оширишни таъминлади.

Бунда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 6,7 фоиз, инвестициялар 4,4 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,6 фоиз, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 14 фоизга ўсди.

Экспорт ҳажми 18,7 фоизга ошди, ташқи савдо баланснинг ижобий сальдоси 2,4 миллиард доллардан ортди. Давлат бюджети янги ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиздан ошқ профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 3,6 фоизни ташкил этди.

2011 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2010 йилнинг шу давридаги нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Янги ички маҳсулот	108,0
Саноат маҳсулотлари ҳажми	106,8
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	112,3
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	106,7
Чакана савдо айланмаси	114,6
Пуллик хизматлар	114,0
Экспорт	118,7

### II. Таркибий туб ўзгаришлар, юқори технологик замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантириш

Жаҳон бозорларида Ўзбекистоннинг рақобатбардошлигини ошириш ва мавқеини мустақамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш давомида жорий йилнинг биринчи ярмида юқори технологик тармоқлар ва ишлаб чиқаришларни ривожлантиришда юқори фаоллик қайд этилди ва бу саноат ишлаб чиқаришнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, ҳисобот даврида кимё ва нефть-кимё саноати (112,2 фоиз), машинасозлик ва металлургия қайта ишлаш саноати (111,1 фоиз), озиқ-овқат саноати (113,8 фоиз) ва қора металлургия саноати (105,7 фоиз) жадал ривожланди.

2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар енгил автомобиллар, ғалла ўриш машиналари, компрессорлар, кучли трансформаторлари, аккумуляторлар, юқори вольтли электр аппаратлар, кабель-ўтказгич маҳсулотлари, доворив воситалар каби ва бошқа юқори технологик маҳсулотлар

ишлаб чиқаришни сезиларли кўпайтириш имконини берди.

Ҳисобот даврида Республика Инновация ғоялари, технологиялари ва лойиҳалари ярмаркасида тузилган шартномалар доирасида ишлаб чиқаришга 64 та янги технология жорий этилди, 13 турдаги янги маҳсулотни тизимли ишлаб чиқариш ташкил қилинди, 11 турдаги саноат маҳсулоти намуналари ва 40 турдаги тажриба-синов намуналари ишлаб чиқарилди. Ушбу чоралар натижасида инновация технологияларидан фойдаланган ҳолда қиймати 157,5 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида худудлар саноат салоҳиятини ошириш ва асосий турдаги истеъмол товарларини ишлаб чиқариш бўйича қўшимча қувватларни ишга тушириш дастурлари доирасида озиқ-овқат ҳамда ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 509 лойиҳа амалга оширилди. Ҳисобот даврида тижорат банклари томонидан истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналарга технологик асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун ажратилган кредитлар ҳажми 821,2 миллиард сўмни ташкил қилди.

Бу борада қўрилган чора-тадбирлар шу йилнинг биринчи ярмида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,3 фоиз, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 13,7 фоиз ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмининг 11,1 фоизга оширишни таъминлади.

(Давоми 2-бетда).

## ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ

### фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатидир

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонда сиёсий модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим дастуриямал ҳужжат бўлди. Халқаро экспертлар алоҳида эътироф этаётганидек, ушбу Концепциянинг ҳаётга жорий қилиниши келгусида Ўзбекистоннинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олишида пойдевор бўлади, албатта.

Концепцияда ахборот соҳасини ислохот этиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида устувор вазибалар ҳам белгиланган. Чунончи, янги

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

қонунларни қабул қилиш ва амалдаги бир қатор қонунларга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш шуллар жумласидандир.

Дарҳақиқат, ахборот мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишилар тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллигини оширишнинг муҳим омилли бўлиб, у шахс, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим жиҳатларидан бирига айланган. Эндиликда ахборотга эгаллик, замонавий ахборот тизимининг шаклланиши ҳар қандай давлатнинг салоҳияти ва тараққиётини белгилаб бермоқда.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш учун ташкилий-ҳуқуқий асослар

(Давоми 2-бетда).

яратилган бўлиб, улар изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. Яратилган барча ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитлар туфайли мам-



# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2011 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давами. Боши 1-бетда).

Истезмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган жирик корхоналарда энгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 4,2 фоиз, синтетик кир ювчи воситалари 2,5 баробар, болалар велосипедлари 2 баробар, электр дазмоллар 44,4 фоиз, трикотаж буюмлар 28,1 фоиз, пайпоқ буюмлари 6,2 баробар, доривор воситалар 1,6 баробар, ўқувчи дафтларлари 3 баробар, ун 1,5 баробар, ёрма 4,6 баробар, маргарин маҳсулотлари 2 баробар, шакар 15 фоиз, усимлик ёғи 12,6 фоиз, ҳўжалик совуни 10,2 фоиз ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошди.

Мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар турларини, аввало, юқори кўшимча қўйматга эга рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришнинг ривожлантириш ҳисобидан кенгайтириш ҳамда экспорт ҳажмини кўпайтиришга доир қўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида экспорт ҳажми 18,7 фоизга ўсди ва 7,2 миллиард долларни ташкил этди.

Асосий турдаги экспорт қилинадиган товарлар бўйича ҳисобот даврида озик-овқат маҳсулотлари (158,7 фоиз), қимё маҳсулотлари (133,1 фоиз), қора ва рангли metallлар (136 фоиз), машиналар ва ускуналар (178,3 фоиз), хизматлар (128,5 фоиз) экспортнинг юқори суръатда ўсиши таъминланди. Супрефос, аммофос, техника моллари, автобуслар, аккумуляторлар, қора ва рангли metallлар, тўқимачилик маҳсулотлари ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортнинг ҳажмлари ошди, шунингдек, концентралланган азот кислотаси, сирка ацеталдегид, калий ўғитлари, жез прокати, селен ва тиллур, мис шиналари, янги турдаги тўқимачилик маҳсулотлари, болалар ўйинчоқлари, баъалз тўласидан тайёрланган матлар каби 30 турдаги янги маҳсулотлар экспорт қилинди.

Ҳўжалик субъектларининг моддий-хом ашё ресурслардан фойдаланиши учун қулай бозор шароитларини шакллантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2011 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Товар-хом ашё биржасида биржа ва кўргазма-ярмарка савдолари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 1,6 баробар ўсди ҳамда 2,4 триллион сўмдан ошди.

Юқори ликвидли товарлар, шу жумладан, metall руҳи (2 баробар), рангли metall қўймалари (4 баробар), минерал ўғитлар (2,3 баробар), техник олтингурт (30 баробар), пахта линти (2 баробар), кўмир (1,7 баробар), иккиламчи алюминий (35,7 фоиз), мис маҳсулотлари (32,1 фоиз), полистилен (30 фоиз), қора metall прокати (26,6 фоиз) ва бошқа маҳсулотларни биржа савдолари орқали сотиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан салмоқли ошди.

Валюта савдо майдонини қиймати 100 миллион доллардан ортки битимлар амалга оширилди ва экспорт ҳажми 2010 йилнинг шу давридагига қараганда 1,5 баробарга ўсди.

Рабобат мухитини, жумладан, кичик бизнес соҳасида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишни рағбатлантириш орқали ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳўжалик субъектлари умумий сонини монополист корхоналар улушини 2010 йилнинг биринчи ярмидаги 0,43 фоиздан 0,37 фоизга камайтириш имконини берди.

2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва унинг барқарорлигини ошириш бўйича устувор йўналишлар дастурининг бажарилиши натижасида ҳисобот даврида банк сектори фаолиятининг асосий кўрсаткичларини сифат жиҳатдан ўзгартиришнинг ижобий тенденциялари кузатилади.

Банк тизимининг жами капитални жорий йил биринчи ярмининг охирида 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 36,6 фоиз, банкка жалб қилинган миқозларнинг депозитлари ҳажми 52,3 фоиз, аҳолининг кредит ташкилотларидаги маблағлари 1,5 баробарга кўпайди. Кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдориди муддатли ва жамғарма омонатларининг улуши 86,3 фоизни ташкил этди, банкларнинг жами активлари ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 34,4 фоизга ошди.

Банклар ресурслар базасининг янада кўпайиши иқтисодийёт реал сектори корхоналарида кредит ажратиш ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини берди. Банкларнинг реал секторга йўналтирилган кредит қўйилмалари қолдиқлари 38,2 фоизга ўсди. Бунда узок муддатли кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 38,4 фоизга ўсди.

Ҳисобот даврида ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш, техник ва технология янгилаш учун тижорат банклари томонидан 2,2 триллион сўм ёки 2010 йилнинг шу давридагига қараганда 34 фоиз кўп инвестиция кредитлари ажратилди.

Тижорат банклари томонидан айрим корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш бўйича уларни молиявий кўллаб-қувватлаш билан бир пайтинг ўзида кредит портфели сифатини оширишга доир чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тижорат банклари жами кредит портфелида муаммолли кредитлар улушини 2010 йилнинг биринчи ярмидаги 1,5 фоиздан ҳисобот даврида 0,9 фоизга пасайтириш, шунингдек, рўйхатга олинган корхоналар умумий сонини банкрот корхоналар улушини 0,74 фоиздан 0,53 фоизга камайтириш имконини берди.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва банкдан ташқари маблағ айланмасини камайтириш мақсадида муомалачи қақрилган пластик картчокалар сони 8 миллион донага, ўрнатилган терминаллар сони эса 88,5 мингтага етди. Бунинг натижасида пластик картчокалар орқали нақд пулсиз тўловлар ҳажми 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,9 баравар ошди.

## III. Ишлаб чиқаришнинг модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлаш, иқтисодийётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш

Жорий йилнинг биринчи ярмида иқтисодийётда ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 8254,6 миллиард сўмини ташкил қилди ва солиштирма нархларда 4,4 фоизга ошди. Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди кредитлари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 2010 йилнинг шу давридагига қараганда 3,6 баробар, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 78,2 фоиз, ҳукумат қафолати остидаги хорижий кредитлар ҳисобидан 76 фоиз, тижорат банклари кредитлари ҳисобидан 80,5 фоиз ва аҳоли маблағлари ҳисобидан 37,3 фоизга ўсди.

2011 йилнинг январь — июнь ойларида республикамизда 558 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Шу жумладан, озик-овқат саноятини 195, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноятини 155, энгил саноятда 129, ёғочни қайта ишлаш саноятини 19, машинасозлик саноятини 6, қимё саноятини 4 та ва бошқа объектлар ишга туширилди.

Шу йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият қўрсатаётган корхоналар томонидан умумий қиймати 9,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиди. 6 та янги лойиҳа бўйича қурилиш-монтаж ишлари якунланди ва технология ускуналар етказиб бериш ҳамда монтаж қилиш давом эттирилмоқда.

Ҳисобот даврида сўғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш дастури доирасида умумий узунлиги 7,1 миң километрлик ҳўжаликлар ва ҳўжаликлар ичидида коллектор-дренаж тармоғини тозалаш бўйича таъмирлаш-қайта тиклаш ишлари бажарилиди. Шунингдек, узунлиги 396,1 километрлик ёпиқ горизонтал дренаж тармоғида, 9 мелiorация насос станцияси, 379 сўғур кудуғи ва бошқа мелiorация объектиларида қайта тиклаш ишлари ўтказилди.

Қишлоқ ҳўжалик тармоқларини техник ва технология янгилаш бўйича қўйиладиган чоралар давомида 2011 йилнинг биринчи ярмида 71,6 гектар майдонда 187 та иссиқхона ташкил қилинди, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам ускуналар харид қилиш учун кичик бизнес субъектлари, фермер ҳўжаликлари ҳамда агрофирмаларга 3,9 миллиард сўмлик кредитлар тақдим этилди, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларининг эҳтиётларини таъминлашни яхшилаш учун техник асосида “ПТЗ” тракторлари ва бошқа техник етказиб берилди. Бундан ташқари, мена-сабзавот маҳсулотларини сақлаш бўйича қишлоқ ҳўжалик корхоналарининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида 9,9 миң тонна сийғима эга 11 янги мена-сабзавот омбори ва совитиш камералари ишга туширилди.

Шу йилнинг биринчи ярмида 1675,1 миң тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 114,4 фоиз), 874,8 миң тонна картошка (112,3 фоиз), 107,8 миң тонна полиз экинлари (112,4 фоиз), 582,3 миң тонна мена (112,2 фоиз), 15,7 миң тонна узум (114,7 фоиз) етиштирилди. 313,7 миң тонна мена-сабзавот экспорт қилинди (2010 йилнинг шу давридагига қараганда 132,9 фоиз кўп).

Ҳисобот даврида ҳудудий дастурлар доирасида чорвачиликни ривожлантириш мақсадида 9,9 миң боқ қорамол парварши қилиш бўйича 313 та чорвачилик, 2,2 миллион товуқ парвари қилиш бўйича 549 та паррандачилик, 2341 гектар суний сув ҳавзасида 514 та балиқчилик ҳўжалиги ташкил этилди. Тижорат банклари шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларига

чорва моллар, шу жумладан, наслдор моллар сотиб олиш учун қиймати 29,7 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратди.

Натижада қорамоллар умумий сони 9211,4 миң бошга етди ёки 2010 йилнинг шу давридагига нисбатан 6,3 фоизга кўпайди. Жорий йилнинг биринчи ярмида 727,1 миң тонна гўшт (2010 йилнинг шу давридагига қараганда 106,8 фоиз), 3007,9 миң тонна сўт (107 фоиз), 1658,4 миллион дона тухум (116 фоиз) етиштирилди.

Ҳисобот даврида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича 85 корхона модернизация қилинди ва янги ташкил этилди. Жумладан, 3 миң тоннадан зиёд гўштни қайта ишлайдиган 20 корхона, 12,9 миң тонна сўтни қайта ишлайдиган 27 корхона, 9,3 миң тонна мена-сабзавотини қайта ишлайдиган 14 корхона, шунингдек, сўт қабул қилинадиган 24 сервис пунктлари ташкил этилди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида инфратузилмани ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,6 фоизга ошди. Хусусан, мобиль алоқа, интернет алоқа хизматларидан фойдаланувчи абонентлар сонининг кўпайиши ва АТСларни рақамлаштириш даражасининг ошиши натижасида алоқа ҳамда ахборотлаштириш хизматлари 41,2 фоизга ўсди. Микро ва истезмол кредитларини ривожлантириш, тўлов тизимини тақомиллаштириш, шунингдек, молия инфратузилмаси институтларини ривожлантиришга доир амалга оширилган чора-тадбирлар молия хизматлари ҳажмини 24 фоизга кўпайтириш имконини берди.

3 миңдан ортки чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг фойдаланишга топширилиши савдо ҳамда овқатланиш хизматларини 18,1 фоиз ошириш имконини берди. Техника, автомобильларни таъмирлаш бўйича сервис пунктларини самарали фойдаланиш, шунингдек, газ баллон ускунасини ўрнатиш хизматларининг кенгайиши автоматбилар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматларини 18,8 фоизга ошириши таъминланди. 742 маший хизмат кўрсатиш объектининг ташкил этилиши эса маший хизматлар кўрсатиш ҳажминини 18,6 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Қишлоқ жойларда, жумладан, 2063 та чакана савдо объекти, 197 та умумий овқатланиш объекти ва 742 та маший хизмат кўрсатиш корхонасининг ишга туширилиши тўғрйли кўрсатилмаган хизматлар ҳам жадал ривожланмоқда.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2011 йилнинг биринчи ярмида ялли ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 48,3 фоизга ўсди (2010 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 47,1 фоиз эди).

## IV. Инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишининг комплекс ва жадал ривожлантириш

2011 йилнинг биринчи ярмида халқор ва давлат аҳамиятига эга умумфойдаланиш автомобиль йўллари қуриш ва реконструкция қилиш, жумладан, Ўзбекистон миллий автомагистрालи участкаларини қуриш объектиларда 156 километр автомобиль йўлига асфальт-бетон қопламасини ётқириш ишлари бажарилиди. Шундан А-380 “Ғузур — Нукус — Қўнғирт — Бейнов” автомобиль йўлининг 70 километри ва А-373 “Тошкент — Ўш” йўлининг 22 километрида ишлар якунланди.

Ўзбекистон миллий автомагистрालи ёқаси бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервис хизматларини ривожлантириш бўйича мақсадли параметрларга мувофиқ, ҳисобот даврида йўл ёқасида 8 та инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объекти қурилди ва фойдаланишга топширилди.

“2011 — 2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги” қўйиладиган дастур доирасида ҳисобот даврида қиймати 104,3 миллион долларга тенг капитал қўйилмалар ўзлаштирилди. 33 километрлик темир йўл қайта қурилди, 127 та юк ва 5 та йўловчи ташувчи вагон тайёрланди, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари паркинни янгилаш ва унификация қилиш ишлари амалга оширилмоқда. “Навоий” интермодаль логистика маркази орқали 24,6 миң тонна, “Ангрент” логистика маркази орқали 2,6 миң тонна эки ётган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 баробар кўп юк ташланди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2010 йилнинг шу давридагига қараганда юк ва йўловчи ташуш тегишли равишда 9,2 ва 5,4 фоизга ошди.

Қишлоқ жойларда тураржой қурилишини ривожлантириш дастури доирасида намунавий лойиҳалар бўйича умумий майдони 326,2 миң квадрат метр 2260 та яқка тартибдаги ўй-жой фойдаланишга топширилди.

Тураржой қурилиши учун ресурс базасини кенгайтириш мақсадида шу йилнинг январь — июнь ойларида турли том ёпиш материаллари, шифер, ёғоч-толали плиталар, норуца ва бошқа материаллар ишлаб чиқарадиган 126 янги корхона ишга туширилди.

Бундан ташқари, деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида йилга 88,2 миллион дона гишт ишлаб чиқариш қувватига эга 23 янги гишт заводи фойдаланишга топширилди, пишқ гишт ишлаб чиқарадиган 16 корхона модернизация қилинди.

Тураржой қурилишини ривожлантиришга доир қўшилмиша чора-тадбирларнинг қабул қилиниши натижасида шу йилнинг биринчи ярмида барча манбалар ҳисобидан 4823,9 миң квадрат метр, шу жумладан, қишлоқ жойларда 3723 миң квадрат метр ўй-жой фойдаланишга топширилди. 1335,4 километр сув қуварлири, жумладан, қишлоқ жойларда 1196,7 километр сув тармоғи ишга туширилди.

## V. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш

Жорий йилнинг ўтган даврида “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит ва тадбиркорлик мухитини яратишга қаратилган метёрий-ҳуқуқий ҳамда ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Давлат дастурини бажариш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг текширувларни кескин камайтириш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан назоратни ташкил этиш тизимини соддаллаштириш, давлат харидлари тизимини оптималлаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни, тижорат банкларининг имтиёзли кредитлар ажратишини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатида олиш тартибини янада соддаллаштириш, ер участкаларига янги ташкил этилаётган ишлаб чиқаришларни жойлаштириш учун улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари учун айрим давлат боғлари ставкаларини камайтиришга доир 12 та қарори қабул қилинди.

Қулай бизнес мухитини яратиш, хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлаш, унга ишончли кафолатларни таъминлаш, руҳсат этүвчи ва чекловчи турли нормаларни қисқартиришга йўналтирилган қонунчиликни янада тақомиллаштириш мақсадида 5 ва конун лойиҳаси тайёрланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатасига тақдим этилди.

Тасдиқланган чора-тадбирларнинг бажарилиши натижасида солиқ органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириллар сони 2010 йилнинг шу давридагига қараганда 21 фоизга камайди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш учун давлат боғлари ставкаси 2 баробарга пасайтирилди, фирма номини интернет тармоғи орқали захира қилиб қўйиш тизимини жорий этган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатга олиш тартиблари соддаллаштирилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2049,2 миллиард сўм ёки ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробар кўп, жумладан, микрокредитлар ҳажми 399,6 миллиард сўмини ёки ўсиши 1,5 баробарни ташкил қилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хом ашё ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш чора-тадбирлари кичик бизнес субъектларининг ўз ишлаб чиқариш фаолиятини таъминлаш учун биржа савдоларида харид қилган товарлар ҳажминини 1,4 баробарга ошириш имконини берди. Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларининг ўзлари ишлаб чиқарган товарларни биржа савдолари орқали сотиши 1,5 бараварга кўпайди.

2011 йилнинг 1 апрелидан жорий этилган давлат харидларини амалга ошириш бўйича янги тартиб доирасида шу йилнинг иккинчи чоратида кичик бизнес субъектларидан қилинган давлат

## Ўзбекистон Республикаси Иқтисодийёт вазирлиги.

да ҳолисона, тезкор ва тўлиқ хариддор қилиш, давлат органлари ахборот хизматлари, медиатизималари фаолиятининг қулайлиги, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун барча зарур шароитларни яратида.

Ҳулоса ўрнида айтганда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун, авваламбор, ҳар бир шахсоннинг давлат органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин ва монеликисиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилиши билан бирга, ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилмаган ислохотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиклиги ва шўкорлигини, мамлакатимиз ҳамда хорижда кечаяётган воқеа-ҳодисалар ҳусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни таъминлашга хизмат қилади.

Фахриддин СОЛИБЕВ,  
Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутаты.

харидлари ҳажми 44,6 миллиард сўмга етди ёки электрон савдолар орқали амалга ошириладиган давлат харидлари умумий ҳажмининг 89 фоизини ташкил этди.

2011 йилнинг биринчи ярмида 22,8 миңта янги кичик бизнес субъекти рўйхатга олинди, 524 та кичик бизнес ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, энгил саноятда 112, қурилиш материаллари саноятини 147, озиқ-овқат саноятини 190, ёғочни қайта ишлаш соҳасида 19 ва бошқа корхоналар фойдаланишга топширилди. Кичик бизнеснинг 954,3 миллион долларлик маҳсулотлари экспорт қилинди. Кичик бизнес субъектларининг 65,8 миллион долларлик маҳсулотни ташқи савдо компаниялари кўмағида экспортга йўналтирилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 42,2 фоиз (2010 йилнинг биринчи ярмида 41,1 фоиз), саноятда 18,6 фоиз (16,7 фоиз), экспортда 13,2 фоиз (10,8 фоиз), бандликда 74,5 фоизни (73,5 фоиз) ташкил этди. Кичик бизнес соҳасида саноят ишлаб чиқариши ҳажмлари 120,4 фоизни ташкил қилди.

## VI. Ижтимоий ривожланиш, янги иш ўрниларини яратиш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базасини ва жиҳозланишини мустаҳкамлаш

Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳудудий дастурларга мувофиқ, 520,2 миңта янги иш ўрни, шундан 67,8 фоиз қишлоқ жойларда ташкил этилди. Иш ўринларининг қатна қисми — 331,2 миңтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, жумладан, 131,8 миңтаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ташкил қилинди. Касаначиликнинг турли шакллари кенгайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан эса 225,5 миңта иш ўрни яратилди.

Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида нодавлат секторда банд бўлганлар улуши иш билан банд аҳоли умумий сонининг 78,1 фоизини ташкил қилди. 2010 йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 77,1 фоиз эди.

Ўртача иш ҳақи ва пенсияларнинг барқарор ўсиши сақлаб қолинди ҳамда ўтган йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан тегишли равишда 28,1 ва 24,5 фоизга ошди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, шунингдек, иқтисодийёт тармоқларининг турли соҳа ва билим даражасига эга кадрларга бўлган эҳтиётчи таъминлаш учун уларда кадрларни сифатли тайёрлаш ишлари давом эттирилди. Ҳисобот даврида 3295 нафар ўқувчи мўлжалланган 16 та умумтаълим мактаби қурилиди ва реконструкция қилинди. 40 дан ошқ ўқув-лаборатория бинолари ва ётоқхоналар капитал таъмирланди.

2011 йилнинг биринчи ярмида ислохотларни амалга ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини оптималлаштириш ва қайта ташкил этиш, ушбу соҳа муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббиёт ходимларини тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлашни тақомиллаштиришга оид ишлар изчил давом эттирилди. Ўтган давр мобайнида 20 турдаги янги доривор воситалар ўзлаштирилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди, фармацевтика ва доривор препаратларни ишлаб чиқариш умумий ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 1,5 баробарга ошди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Қаримовнинг парламент палаталарининг 2010 йил ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чўқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ижросини изчиллик билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасини 2011 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга муҳим омил бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига қўшилиши ҳамда жаҳон иқтисодий ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашни таъминлашга қаратилган стратегик иқтисодий йўналишларни ва ижтимоий ислохотларни тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажариш яқин истикболдаги ўта муҳим вазира бўлиб қолади.

## Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

# ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ

## фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатидир

(Давами. Боши 1-бетда).

Шу ўрнда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда етказиш ва сўз эркинлигини таъминлаш борасидаги тадрижий ислохотларнинг бугунги босқичида долзарб масалалардан бири, шўбҳасиз, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклигини, жамоатчилик назоратини, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ ролини оширишга, шунингдек, давлат органлари ахборот хизматлари фаолиятини кўчатиришга қаратилган самарали ҳуқуқ



# КРЕДИТЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

## қонунчиликни такомиллаштиришни тақозо этмоқда

**Кредит сиёсати иқтисодиёт тараққиётида муҳим омил ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда истиқлол йилларида бу борада халқаро андозаларга мос молия-кредит тизими шакллантирилиши туфайли пировардиди сармоядорлар учун қулай иқтисодий муҳит яратилди.**

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг бугунги босқичи, жаҳон банк-молия тизимидagi янгиликлар, глобал инқироз оқибатлари, табиийки, кредитлар самарадорлигини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

ҳисобланади. Зеро, ушбу тизим кредитлаш, молиялаш, лизинг хизматлари ва бошқа муҳим операцияларни ўз ичига қамраб олади. Кредит ахбороти алмашинуви бундай хизматлар хавфсизлигини таъминлаш, кредит тавакалчилигини тўғри баҳолаш ҳамда бошқаришда салмоқли роль ўйнайди.

лари уюшмаси ҳузурда Банклараро кредит бюросига асос солинди.

— Шу ўринда кўпчиликда “Кредит ахбороти алмашинуви нима?” деган савол туғилиши табиий, — дейди Марказий банк раиси ўринбосари Ш. Ҳайдаров. — Бу саволга кредит ахбороти алмашинуви — кредит ах-

боротини йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, сақлаш, алмаштириш, тақдим этиш, фойдаланиш, ҳимоя қилиш ва у билан боғлиқ бошқа ҳаракатлар, деб жавоб бериши мумкин. Шу маънода айтганда, замонавий кредит ахбороти алмашинуви тизимни ташкил этилиши иқтисодиётимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида аниқ муаммаларни камайтириш ва салохияти қарз олувчилар ҳақидаги ахборот билан таъминлаш каби вазифаларни бажариб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Банк-

нисбатан йиллик 7-8 фоизга ўсган. “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси моҳиятида айнан шу мақсадлар ўз ифодасини топгани билан гоёт аҳамиятлидир. Сабаби, сифатли кредит ахбороти алмашинуви тизими молия-кредит тармоғини мустаҳкамлайди. Бу эса, партияимиз дастуридан ўрин олганидек, аҳолининг реал даромадлари орттишини кафолатлайдиган барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси М. Нишонованинг фикрича, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давра сўхбатда “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича тегишли тавсиялар ҳамда амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

да вақтни тежашга хизмат қилади.

Давра сўхбатда “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонун лойиҳасини амалиётга жорий этишининг аҳамияти катта эканлиги таъкидланди. Бинобарин, мазкур қонун асосида кредит ахбороти алмашинувининг ҳуқуқий базаси яратилди, кредит ахбороти тўлаётган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари кафолатланади. Шунингдек, битимлар тузишда қатнашаётган барча манфаатдор томонлар учун тенг шароитлар яратилди.

Мутахассисларнинг кайд этишича, замонавий кредит ахбороти алмашинуви туфайли ҳар бир миқознинг солиқлар ва кредитни ўз вақтида тўлаши ҳамда қайтариши тўғрисидаги маълумотлар сифатли тарзда йиғиб борилади. Шу асосда ишончини оқлаган кредит олувчиларга минимал талаблар бўйича кредит бериш имкони туғилади. Бу эса ҳам қарз берувчи, ҳам қарз олувчи учун аниқ муқдодир.

Давра сўхбатда “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича сиёсий партияларнинг қўйи палатадаги фракциялари аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек каби буюқ алломалар фикр, илми, кимё, математика, жуғрофия, фалкиёт, табобат ва бошқа фанлар тараққиётининг беназир намояндлари саналади.

Юртингизда Президент Ислом Каримов ташаббу-

намолигида инқирозга қарши ўз вақтида қўрилган чоралар туфайли Ўзбекистон бу бўҳрондан деярли азият чекмади. Буни Ўзбекистоннинг барқарор ривожланаётган иқтисодиёти ва муттасил олиб бораётган ялпи ички маҳсулоти мисолида аққол кўриш мумкин. Инвестиция дастурини амалга ошириш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари кўлами ҳамда

## Абдул Азиз бин ХАРУН:

# ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШАЁТГАН ЮТУҚЛАРГА КЎПЛАБ ДАВЛАТЛАР ҲАВАС БИЛАН ҚАРАЙДИ

си билан аждоқларининг бой маданият ва маънавий меросини ўрганиш, муқаддас қадамжолар, меъморий ёдгорликлар ва тарихий обидаларни тиклаш, ободонлаштириш, кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида ҳавас қилса арзиғулик ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Наманган, Қўқон каби шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб бораёлаётган ишларга ҳавас қилса арзийди. Ўзбекистонда сайёҳларни жалб этувчи барча омиллар — дунёдаги энг ноёб тарихий ёдгорликлар, муқаддас зирғатхоҳлар, хушманзара табиат ва файзли гўшалар мавжуд. Шу боис кўп асрлик тарих, бетақдор маданият ва анъаналарга эга Ўзбекистон жаҳон сайёҳлик бозорига тобора катта обрў қозонмоқда. Тошкент — гоёт гўзал ва мафтункор шаҳар. Истиқлол йилларида у бутунлай замонавий кўриниш касб этди.

Ўзбекистонда сайёҳлик соҳаси изчил ривожланаётгани, сайёҳларнинг мароқли дам олиши учун барча қулайликлар яратилаётгани аҳамиятлидир.

Маданият-маънавий яқинлик ва ривожланган сайёҳлик инфратузилмаси Малайзиядан Ўзбекистонга, Ўзбекистондан Малайзияга сайёҳлар оқими кўпайтиришда муҳим омил бўлаётди.

— Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шарафига Ўзбекистонда амалга оширилган Инқирозга қарши чоралар дастури ва ушбу дастур бераётган самаралар ҳақидаги фикрингиз қандай?

— Глобал молиявий-иқтисодий инқироз қўлпал мамлакатлар, жумладан, ривожланган давлатлар иқтисодиётига катта зарар етказди. Бир қатор йирик компания ва банклар таназулга учради. Президент Ислом Каримов раҳ-

ҳажмини сезиларли даражада кенгайтириш, шулар ҳисобидан аҳоли бандлигини таъминлаш каби чора-тадбирлар Ўзбекистонни барча соҳаларда ривожлантиришда муҳим омил бўлаётди. Шу боис ушбу дастур молиявий-иқтисодий бўҳрондан ҳамон азият чекаётган кўплаб давлатлар учун ҳам намуна бўлиши мумкин.

— Ўзбекистоннинг мамлакатда ва умуман, минтақада тинчлик-барқарорлини мустаҳкамлаш борасидаги сый-ҳаракатлари ҳамда ташаббуслари ҳақида фикрингиз?

— Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини энг муҳим бойлик сифатида асраб-авайлаб, мустаҳкамлаб келмоқда. Мамлакатингизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида халқингизга муносиб турмуш шароити яратиш йўлида амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўз самараларини бераётди. Юртингизда тинчлик ва барқарорлини сақлаш, мустақиллини мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли ишлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани ўзининг юксак самараларини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида қайд этишни истардимки, терроризм, экстремизм, нарқобизнес, курул-яроқ контрабандаси, оммавий қирқин куруллари тарқалиши каби таҳдидларнинг олдини олишда, уларга қарши курашишда минтақадаги барча давлатлар ҳамжиҳатлигида иш юритиши зарур. Зотан, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бири бири билан узвий боғлиқдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 20 йиллиги байрами билан Ўзбекистон халқини чин юракдан муборакбод этаман.

**Ў.А. МУХБИРИ МАДИНА УМАРОВА СЎХБАТЛАШДИ.**

## 24 соат ичида

Кот-д’Ивуарда йўловчиларни олиб кетаётган автобус кўприқдан қулаб тушган.

## Кўприқдан қулаб тушди

Бу ҳақда “Синьхуа” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Кўнгилсизлик мамлакатнинг иқтисодий маркази Абиджан шаҳрида юз берган. Оқибатда 32 нафар йўловчи ҳаётдан кўз юмган. Манбага қараганда, автобусда камида 100 нафар одам бўлган. Шу боис қурбонлар сони яна ошиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.

## Чекиш тақиқланади

Жорий ойнинг еттинчи санасидан бошлаб Непал мамлакатда чекишни тақиқловчи қонун кучга кирди.

“Associated Press” ахборот агентлиги хабарига қараганда, эндиликда аэропорт, меҳмонхона, умумий овқатланиш мажмуалари, ҳукумат идоралари ва ташкилотлар офислари, истироҳат боғлари ҳамда болалар гавжум бўладиган жойларда сигарет тутатиш ман этилади. Ушбу ҳужжатга кўра, бундай бинолар атрофида тамаки маҳсулотларини сотишга ҳам йўл қўйилмайди. Мазкур тартибни биринчи бор бузганлар 100 рупий (1,5 АҚШ доллари) миқдорига, унга иккинчи бор амал қилмаганлар эса 100 минг рупий (1400 АҚШ доллари) миқдорига жазима тортилди. Шунингдек, ҳомиладор аёллар ва 18 ёшга тўлмаганларга тамаки маҳсулотларини сотганлар 10 минг рупий, уларни реклама қилганлар 100 минг рупий миқдорига жазима тўлайди.

## Биологларга зарар етди

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳрининг шимол қисмида юз бераётган тартибсизликлар туфайли бир қатор биологлар ҳаётини зарар етди.

Бу ердаги бир нечта дўконлар ва автомобиллар ёқиб юборилган. Шунингдек, мазкур ҳудудда намоийчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ўртасида тўқнашувлар ҳам бўлиб ўтган. Натижада 26 нафар полиция ходими тан жароҳати олган. Улардан олти нафари касалхонага ётқизилган. Манбада қайд этилишича, тартибсизликлар полиция ходими томонидан автомобилни тўхташ тўғрисидаги оғохлантиришга қўлоқ солимаган 29 ёшли Марк Дагган отиб ўлдрилганидан сўнг бошланган.

Ҳозир унда иштирок этган 42 киши ҳибсга олинган.

## Келишмовчилик оқибати

АҚШнинг Гавай штатида икки ойла ўртасида юзага келган зиддият қонли тўқнашув билан аяқланди.

Хусусан, ушбу можаро оқибатида бир оиланинг етти нафар аъзоси отиб ўлдирилган. Кейин эса қотил ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан йўқ қилинган. Ҳозирча ушбу келишмовчиликнинг сабаблари номаълум. Воқеа юзасидан текширув олиб борилмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамкорлигида ташкил этилган давра сўхбатда ана шулар ҳақида сўз борди. “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг концептуал асослари муҳокама қилинган мазкур анжуманда қўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари

лариди ҳодимлари қатнашди. Давра сўхбатда қайд этилганидек, Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш, шу жумладан, кредит соҳаси қонунчилигини янада такомиллаштиришда катта аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, банк-кредит тизими барқарорлиги мамлакатда юксак тараққиётга эришининг муҳим шарти

## Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги “Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриламал бўлди. Шу асосда Марказий банкнинг Кредит ахбороти миллий институти ташкил этилди. Ушбу институт кредит амалиётлари бўйича тавакалчиликларни камайтириш ва салохияти қарз олувчилар ҳақидаги ахборот билан таъминлаш каби вазифаларни бажариб келмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Банк-

Ушбу қонун асосида кредит тизимида адолат принциплари ўзининг ҳуқуқий ифодасини топади, — дейди у. — Унда кредит ахбороти алмашинуви фаолиятини лицензиялашнинг жорий этилиши мазкур соҳага бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

— Миллий тикланиш ва ривожланишнинг иқтисодий асослари янада тараққий топишида пишиқ-пухта кредит тизими керак бўлади, — дейди Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси аъзоси А. Жумаев. — Буни эса самарали кредит ахбороти алмашинуви тизимисиз тасаввуз этиб бўлмайди, албатта. Шу орқали “ким солиқ ва тўловларни ўз вақтида тўлаб, кредит шартларини тўла бажаряпти, ким бунинг уддасидан чиқмаяпти?” деган саволларга аниқлик киритилади.

Давра сўхбатда “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”ги қонун лойиҳасини маромига етказиш бўйича тегишли тавсиялар ҳамда амалий тақлифлар ишлаб чиқилди.

**САИДЖОН МАХСУМОВ.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шу билан бирга, зинҳор-базинҳор гўзани чанқатиб қўймаслик керак. Илоҳи бориҳа ҳар томчи сувдан оқилона фойдаланиш лозим. Бунинг учун қатор ораларида намни сақлаш чоралари, яъни гўзани “шарбат” усулида тунда сугориш, культивацияни вақтида ўтказиш талаб қилинади. “Шарбат” усули қўлланилса, экин озиқланибгина қолмай, балки сувни тежаш имконияти туғилади, ерда нам узок вақт сақланади.

Культивациялаш орқали эса ҳам эграт юмшади, ҳам гўза остига шабада тегади. Бироқ механизаторлар ишга ўта хушёрлик билан ёндашиб, ниҳолларга зарар етмаслиги, гули ва кўсаги тўқилмаслиги учун тракторни эгратлар орасида имкон қадар секинроқ ҳайдаши муҳим. Культивацияни ҳар бир пайкалдаги ниҳолнинг ҳолатини ҳисобга олиб, табақалаштирган ҳолда ўтказиш зарур.

айланапти. Ҳозирги кунда ҳар түп гўзада ўртача 5-6 тадан бўлиқ кўсақ мавжуд. Ҳосил туганаклари ёнига яна кўпроқ кўсақ қўшиш ниятида культивация қилиш, “шарбат” усу-

# ОМИЛКОРЛИК БАРАКАСИ

нинг ана шу тажрибаларига суюнган ҳолда, кунни тунга улаб меҳнат қилмоқда. Бу йил 80 гектар майдонда гўза парварийлашгамиз. Ўтган йили ҳар гектар майдондан 53 центнердан ҳосил олгандик. Бу йил эса ҳосилдорликини 60 центнерга етказишни мўлжаллаб турибмиз. Бундай дейишга асосимиз бор. Гўза ҳозирча қадоқ 6 марта сифатли культивациядан чиқарилиб, вақтида озиклантириляпти, маромида сугорилмоқда. Натижада шоналар гулларга, гуллар кўсақларга

лида сугориш, зарарқунанда ҳашаротларга қарши курашишни сира бўшаширмаймиз.

Дарҳақиқат, гўза кун санайдиган август ойининг ҳар бир дақиқаси ғанимат. Бунинг учун ҳис қилиб, бор куч-ғайратимиз ва имкониятларимизни гўза парварийлашга сарфлашмиз. Астойдил меҳнат қилган деҳқон эса кузда баракали хирмон яратиши муқаррардир.

**КАРИМБОЙ СОБИРОВ, ГУРЛАН ТУМАНИЛИ** «Собир гурлани» фермер хўжалиги раҳбари.

# ҒАЙРАТ ЗАВҚИ, МЕҲНАТ ШУКУҲИ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Туманлардаги қасб-хўнар коллежлари ўқувчилари ҳам қишлоқлардаги ижтимоий иншоотлари барпо қилишга сафарбар этилганлар. Масалан, қосонсойлик ёшлардан 33 нафари намунавий лойиҳа асосидаги тураржойлардан иборат Булок даҳасидаги инфратузилма иншоотлари — қишлоқ врачлик пункти ҳамда 315 ўқувчи мўлжалланган мактаб биносини тиклашда фаоллик кўрсатишмоқда. Уйчилик ёшлар эса 40-мактаб-интернатнинг сузиш хавзаси ва бошқа бир қатор мактаблар биноларини мукаммал таъмирдан чиқаришга ёрдамлашаётган.

Истиқлолимизнинг йиғирма йиллик шодий-наларига тайёргарлик кўриш, хусусан, маҳалла ва кўчаларни ободонлаштириш тадбирларида ҳам ёшларнинг гайратини алоҳида эътироф этиш лозим. Яқинда шу мақсадда қасб-хўнар коллежлари ва мактаб ўқувчиларидан иборат 4000 нафардан зиёд ўғил-қиз меҳнат гуруҳларига бирлаштирилди. Чунинки, буларнинг барчаси энг улуг ва энг азиз байрамни муносиб кўтиб олишга чоғланаётган ёшларнинг азму шижоатидан дарак беради.

**ҚУДРАТЛЛА НАЖМИДИНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.

# ТАШАББУС, ҲАМКОРЛИК, ҲАРАКАТ

Кейинги йилларда дунё аҳли экологик муаммоларга бот-бот дуч келмоқда. Бошқача айтганда, дунёнинг у ёки бу бурчагида рўй бераётган табиий оқибатлар фақатгина ўша ҳудуд учун эмас, балки бутун инсоният учун глобал масалага айланаётди.

Бундай ҳолатга биргина Орол фожиясини мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур денгизнинг қуриши оқибатида 5 миллион гектар майдонда саҳро пайдо бўлганлиги, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси фондини янги яридан кўпроги йўқ бўлиб кетганлиги, вақти-вақти билан қутарилаётган кум буронлари туфайли ҳавога туз ва чангдан иборат зарарли моддаларнинг сингиши миллионлаб одамларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Бу ҳақда пойтахтимизда Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолиятининг 2011 йил биринчи ярим йиллик ақсуларига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Унда

## АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Маълумки, Ўзбекистон Экологик ҳаракати 2008 йилнинг 2 августда мамлакатимиз эколог олимлари, шу йўналишда иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фаол жамоатчилик ташаббуси асосида ташкил этилган эди. Айтиш жоизки, атроф-муҳит муҳофазасидаги лоқайдликларга барҳам бериш, бу борадаги вазифаларни бажариш жараёнида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини бирлаштириш, экологик йўналишдаги халқаро ва чет эл ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, аҳоли ўртасида экологик таълим-тарбияни кўчатириш каби вазифаларни асосий мақсад қилган мазкур ташкилот томонидан ўтган давр мобайнида муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Эко-ҳаракат учун квоталанган 15 та депутатлик ўрнидан ва шу





асосда Қонунчилик палатасида ташкил этилган Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ҳамда Экология ва атроф муҳитни муҳофазаси қилиш масалалари қўмитаси салоҳиятидан унумли фойдаланилиб, экологик йўналишдаги қонун ижодкорлиги борасида ташаббускорлик кўрсатилмоқда. Қисқа муқддат ичида Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ташаббуси билан амалдаги 10 дан ортиқ қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани, қатор янги қонунлар лойиҳаси тайёрланаётгани фикримизнинг исботидир.

Шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракати жорий йилнинг ўтган даврида атроф-муҳит муҳофазаси ва соғлиқни сақлаш йўналишидаги но дав л а т нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги ишларни ҳам янада жадаллаштирди. Яъни Ҳаракат томонидан шу давр ичида 125 та экологик, 131 тиббиёт йўналишидаги но дав л а т нотижорат ташкилотлари ҳамкорликни мустаҳкамлаш чоралари кўрилди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Экологик ҳаракати мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Экобор”-лар яратиш ишларини муваффақиятли амалга оширгани ҳамда “Ўзбекистон табиати” альбом-китобини нашрга тайёрлагани ҳам диққатга сазовордир.

Тадбир асосида ушбу китобнинг тақдироти ўтказилиб, иштирокчиларга “Ҳаёт орзуси” деб номланган, экологик мавзудаги янги бадий фильмдан лавҳа намойиш этилди.

**ДИЛШОД УЛУҒМУРОДОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.





**Сиҳат-саломатлик, жисмонан ва маънан етуклик кишининг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Шу боис бугун мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимига кўплаб эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оналар ва болалар соғлиги муҳофазаси йўлидаги мақсадли дастурлар, хукуқий-меърий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг изчил ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилаётганлиги бунинг яққол тасдиғидир.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлда қабул қилинган “Республиканинг кишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бу борада дастуриямал бўлаётганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Мазкур қарорга мувофиқ, ҳомилдор аёллар учун поливитаминлар комплексини харид қилишга 8 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилди ва ушбу маҳсулотларни республикамиз ҳудудига олиб киришга 2015 йил 1 январьгача божхона тўловлари бекор қилинди. Бу эса бўлажак оналар организмиде микронутриент етишмовчилигининг салбий оқибатларини бартараф этиш, анемия (камқонлик) даражасини пасайтириш, фоллий кислота танқислигини қисқартириш борасидаги долзарб вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг ҳам унутмаслик керак-

ниқсонларининг, йод танқислиги ҳамда 5 ёшгача бўлган болалар орасида А витамини етишмовчилигининг олдини олиш каби мақсадлар кўзда тутилган. Хўш, микронутриент етишмовчилиги ўзи нима? Тиббиёт тили билан айтганда, бу инсон организмга озиқ-овқат моддалари

тирилишича, бугунги кунда Ер юзиде 2 миллиарддан зиёд одам анемиядан азият чекмоқда. Энг хавотирлиси, уларнинг асосий қисмини болалар, ёшлар, туғиш ёшидаги аёллар ташкил этаётир. Бу, табиийки, ёш оналар ва чақалоқлар орасида ўлим кўрсаткичлари ортиши ҳамда турли ка-

тимизда катта эътибор қаратилмоқда. Бугун юртимизда жисмонан ва маънан баркамол авлодни шакллантириш мақсадида жойларда скрининг, перинатал ва неонатал текширувлар мунтазам ўтказилаётганлиги, саломатлик ҳафталиги тадбирлари доирасида туғиш ёшидаги аёлларни соғломлаштиришга катта аҳамият қаратилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Умуман, саломатлик билан боғлиқ ҳар қандай салбий ҳолатнинг олдини олишда бўлажак она ўз соғлиги хусусида ўзи қайғуриши қанчалар муҳим бўлса, туғилажак фарзанднинг руҳан тетиқ, жисмонан бақувват бўлиб дунёга келиши унинг яқинлари зиммасига ҳам шу қадар катта масъулият юклайди. Негаки, ҳомилдор ва эмизикли аёлнинг туғри овқатланиши, вақтида дам олиши, маънавий ҳордиқ чиқариши, соғлиги билан боғлиқ муаммоларга ниҳоятда эътиборли бўлиши соғлом авлодни дунёга келтиришнинг асосий омилдир.

**Дилфуза ҲАСАНОВА,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Хотин-қизлар кўмитаси  
раисининг  
ўринбосари.

## КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

ки, юқоридаги чора-тадбирлар ижобий натижа беришида кенг жамоатчиликнинг тиббий маданиятини юксалтириш, айниқса, ёш оилаларга соғлом турмуш тарзига риоя этишининг нечоғли муҳим эканлигини тушунтириш айна зауратдир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси томонидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш борасида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу орқали оналар, чақалоқлар ва болалар ўлимини янада камайитириш, асаб найчаси туғма


билан бирга, витамин ва микро-элементларнинг етарли даражада сингмаслиги натижасида оғир

### Соғлом она — соғлом бола

хасталиклар, туғма нуқсонлар келиб чиқшини англайди. Яна ҳам аниқроқ айтиладиган бўлса, организмда темир, йод, фоллий кислота ва А витамини етишмовчилиги туфайли, ҳатто, инсон ҳаётига хавф солиши мумкин бўлган салбий оқибатлар келиб чиқши тиббиётда исботланган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларида кел-

салликларга чалиниш хавфи юқори эканлигини, интеллектуал ва жисмоний ривожланишда ортада қолиш, иш қобилиятининг пасайиши каби салбий ҳолатлар келиб чиқшини англайди. Қолаверса, биргина А витамини тақчиллиги сабаб дунё бўйича 500 мингга яқин киши кўриш бахтидан бебаҳра бўлганлиги, болалар ўлими кўрсаткичининг 20-23 фоизгача ортиши кузатилаётганлигининг ўзиёқ ушбу масаланинг нақадар долзарб эканлигини аниқлаб турибди. Шу боис мазкур масалага мамлака-

## БАРҲАЁТ НАВОЛАР



Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**Пойтахтимиздаги Гафур Фулом номли маданият ва истироҳат боғида миллий чолғучилик йўналишида ижод қилаётган санъаткорлар ўртасида аънавий “Барҳаёт наволар” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.**

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари илмий-методик ахборот маркази, халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармаси Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Танловни ўтказишдан мақсад ёшларнинг номоддий маданий меросини намуналари — миллий чолғуларга бўлган қизиқишини ошириш, янги иқтидор соҳибларини кашф этишдан иборатдир. Бинобарин, кўриқнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар босқичларида 500 нафардан зиёд ижрочилар иштирок этди. Якуний босқичда эса

### Танлов

энг яхши, деб топилган 10 та карнай-сурнай гуруҳи ва 87 нафар миллий чолғу ижрочиси ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Яқунда Андижон вилоятининг Булоқбоши туманидан келган “Султонму-маси” карнай-сурнайчилар гуруҳи биринчи ўринни эгаллади. Яққолроғу ижрочилиги бўйича хоразмлик Лочинбек Мўминов ғолиб, деб топилди. Энг қадимий мусиқа асбобларимиздан бири бўлмиш сибизгада кўплаб куйларни маҳорат билан ижро этган қашқадарёлик Раҳим бобо Ҳўжамқулов халқаро “Олтин мерос” хайрия жамғармасининг махсус дипломи билан тақдирланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

### «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани судининг 2009 йил 23 октябрдаги 1-732/09-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз шаҳри, Тарағай Баҳодир кўчаси, 127-уйда жойлашган, «Шаҳрисабз мебель» МЧЖ кўшма корхонасига қарашли, қурилиш майдони 2827,2 кв.м. бўлган, 1978 йилда қурилган, таъмирталаб ҳолатдаги 1 қаватли, 1-сонли ишлаб чиқариш цехи биноси кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 483 299 000 сўм.  
Аукцион савдоси 2011 йил 13 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога кўйилган кўчмас мулк объекти билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилдиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк»-и Қашқадарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши ш., М. Абдуллаева к., 20-уй.  
Телефон: (8-375) 225-44-58.

Лицензия: RR-0001.

### UZTRANSGAZ

### «ЎЗТРАНСКАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Хурматли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

«ГАЗ» РУСУМИ АВТОМОБИЛЛАР ВА МАХСУС ТЕХНИКАЛАР  
ТНК ООО «Коммерческие автомобили» - группа ГАЗ» расмий дилери "Transneftkomplekt" ташкилоти

Тел.: 235 93 53  
111 35 24, 102 96 00  
150 48 20  
E-mail: transneft66@mail.ru



Ҳамма автотранспорт воситаларига КАФОЛАТ 2 йил ёки 80.000 км

### Реклама ва эълонлар

### «ИПОТЕКА-БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

бино ва иншоотларни сотиш бўйича танлов эълон қилади.



Бино ва иншоот: умумий майдони — 5702 м², 4 қаватли маъмурий бино, 2 қаватли омборхона, гараж, шйипон ва қоровулхонадан иборат.

Жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Боғибустон кўчаси, 248-уй.

Бошланғич баҳоси — 2 965 000 000,0 сўм.

Танловга аризалар 2011 йил 11 август кунин соат 16.00 гача қабул қилинади.

Бино ва иншоотларни сотиб олиш бўйича харидорларнинг тақлифлари муҳрланган конвертларда тақдим этилиши лозим.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 150-70-78, 150-23-24.

### «ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

Ўзида ишлаб чиқарилган куйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан кўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги ПУЛАТ ҚУВУРЛАР — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120.


Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФИЛЛАШТИРИЛГАН — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.



### ГРУППА ГАЗ

РАСМИЙ ДИЛЕР «SARDOR AVTO INVEST» ДАН

### «ГАЗЕЛЬ БИЗНЕС» АВТОМОБИЛЛАРИ

ГАЗ-32213 «Газель Бизнес» Микроавтобус 15 ўриндиққача, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. **Янгилик!**

ГАЗ-2705 «Газель Бизнес» Яхлит металл куймали фургон, 3, 7 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. **Янгилик!**

ГАЗ-3302 «Газель Бизнес» Тентли юк машинаси, 3, 6 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3. Привод: 4x2, 4x4. **Янгилик!**

ГАЗ-330200 «Газель Бизнес» Саноат, озиқ-овқат моллари учун изотермик фургон, 3 ўриндиқли, люкс, ЕВРО-3. **Янгилик!**

### «ГАЗ» АВТОСАЛОНИ

Тошкент ш., Сергели тумани, Янгисергели кўчаси, 1-уй.  
Тел./факс: (8-371) 215-09-11, 215-01-81.  
Веб-сайт: WWW.SARDOR.AVTO.UZ

“Халқ сўзи” ва “Народное слово” газеталари жамоаси тахририят ходими Ортиқали Номозовга ўғли УЧҚУННИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

“Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати” уюшмаси жамоаси “Илмий тадқиқотчи” МЧЖ бош директори, техника фанлари доктори, профессор **Ботир Кўчқорович ҚОСИМХОДЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси “Toshkent” телерадиоканали ДУК директори Хусниддин Эргашевга онаси **УМРИ аялини** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

### Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 854. 52546 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳфаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпнов. Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов. Навбатчи — Ф. Шералиев. Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.50 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5

Биржа нархлари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, **UZEX** сўзини **8383** га юборинг.

Барча товарлар гуруҳлари бўйича котировкалар **WWW.UZEX.COM** САЙТИДА

Нархларнинг кўтарилиши, пасайиши, сўм/кг белгилари: ▲ — кўтарилган, ▼ — пасайган.

Тўғридан-тўғри шартномалар тузиш учун ҳафта давомидаги ўртача нархлар **UZEX.COM** УэРТХБ сайтыда